O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 15 февраль ЧОРШАНБА

№ 13 (11.816)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

## 2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2005 йил мамлакатда демократик янгилаш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистон иқтисодиётида 2005 йилда қуйидаги сифат силжишлари юз берди.

Биринчидан, барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича прогноз параметрларга эришилди, уларнинг кўплари бўйича эса анча ошириб бажариш таъминланди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7 фоизни, инфляция даражаси 7,8 фоизни ташкил этди, саноат ишлаб чиқариши 7,3 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 17,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,2 фоизга ўсди. Давлат бюджети кутилаётган 1 фоиз тақчиллик ўрнига ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан ижро этилди.

Барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг асосий манбалари қулай ташқи омиллар ҳамда углеводород хом ашё ва ресурсларга жаҳон нархлари эмас, балки биринчи навбатда бозор ислоҳотлари ва мамлакатни модернизация қилишнинг пухта ўйланган модели ва узоқ муддатли дастури натижалари бўлганлиги ўзига эътиборни жалб этади.

Иккинчидан, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг макроиқтисодий баланслилигини, умуман иқтисодий ўсишнинг локомотивларига айланиши, демографик хусусиятлар, иш билан таъминлаш, аҳоли даромадларининг кўпайиши ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиши лозим бўлган соҳалар, тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантиришни таъминлашга қаратилган иқтисодиётни тизимли ва изчил равишда таркибий янгилаш юз бермоқда.

Ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 2005 йилда 2002 йилдаги 14 фоиз ўрнига 20,7 фоизгача ўсди, хизматлар соҳаси улуши 38,5 фоиздан ортиқ бўлди. Беш йил мобайнида коммуникациялар, транспорт ва алоқа тармоқларининг улуши бир ярим баравар ўсди.

2005 йилда маҳсулот экспорти ҳажмининг 11,5 фоизга ўсиши амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ва иқтисодиётни модернизация қилишда эришилган ютуқларнинг муҳим натижаси бўлди, бунда экспорт ҳажмининг ярмидан кўпроғи тайёр маҳсулотлар ва хизматлар улушига тўғри келди. Ташқи савдо балансида мустақиллик йилларидаги энг юқори – 1,3 млрд АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги ижобий сальдога эришилди, олтин-валюта захиралари 1,3 баравар кўпайди.

Учинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш таъминланди. Солиқ юкини енгиллаштириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида жамланган бюджетга фискаль олиб қўйишлар 2000 йилдаги 37,1 фоиздан 2005 йилда 32,2 фоизгача, давлат бюджетига олиб қўйиш эса 22,6 фоизгача қисқарди.

Тўртинчидан, 2005 йилда моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотни сотиш тизимини эркинлаштириш йўлида ҳал қилувчи қадам қўйилди. Тадбиркорларнинг, энг аввало кичик бизнес субъектларининг юқори ликвидли моддий ресурслар олишининг барқарор бозор механизми шакллантирилди. Биржа савдоси улуши улгуржи товар айланмаси умумий ҳажмининг 2000 йилдаги 8,5 фоиз ўрнига унинг учдан бир қисмини ташкил этмоқда.

Бешинчидан, хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш томонга туб бурилиш амалга оширилди.

2000-2005 йиллар даврида 4660, шу жумладан 2005 йилда 902 корхона ва объект хусусий мулк қилиб сотилди.

2005 йилда кичик бизнес объектлари сони 31,5 мингтага кўпайди ва 310 мингтадан ортиқни ташкил этди, кичик тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38,2 фоизни ташкил этди. Иқтисодиётда жами банд бўлганларнинг 65 фоизидан ортиғи ушбу соҳада ишламоқда. Янгидан ташкил этилган иш ўринларининг қарийб 85 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий тузилмаси сифатида фермер хўжаликлари қишлоқда жадал ривожлантирилди. Фермер хўжаликларида 1 миллиондан ортиқ киши ишламоқда, улар томонидан 2005 йилда пахта хом ашёсининг 66 фоизидан ортиғи, доннинг 55 фоизидан кўпроғи етиштирилди.

Олтинчидан, давлат ва назорат қилувчи тузилмаларнинг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашишини кескин қисқартириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини жиддий равишда кенгайтириш таъминланди.

Ўтказилган текширишлар сони 2001 йилдагига қараганда 2,5 баравардан кўпроқ қисқарди. Илгари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этиладиган давлат статистика ҳисоботлари сони умуман олганда 2 баравар, ойлик ҳисобот бериш 5 баравар қисқарди. 12 та рухсат берувчи тартиб-қоидалар бекор қилинди, ҳисобот маълумотларининг ноқонуний талаб қилиниши учун жавобгарлик кучайтирилди.

Хўжалик судларининг фаолияти фаоллашди. 2001-2005 йилларда улар томонидан кўриб чиқилган ишлар сони 3,7 баравар, шу жумладан маъмурий қонун бузилишлари тўғрисидаги ишлар бўйича – 4 баравардан ортиқ ўсди. Бунда кўриб чиқилган ишларнинг аксарияти тадбиркорлар ва хўжалик юритувчи субъектлар фойдасига ҳал этилмоқда.

Еттинчидан, амалга оширилган ислоҳотлар натижасида аҳолининг ижтимоий аҳволи анча яхшиланди, одамларнинг онги ва менталитети ўзгармоқда. 2005 йилда бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар ўртача 40 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари 22 фоизга кўпайди.

Хусусий мулкчиликни мустаҳкамлаш, кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликлари ташкил этилишини рағбатлантириш ҳисобига мамлакатда демократик жамиятнинг асоси ва таянчи сифатида ўрта синф реал шаклланмоқда.

Шу билан бирга, йирик корхоналарнинг давлат активларини сотиш жараёни суст суръатларда бормоқда. Давлат мулки қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари фаолиятини, шунингдек «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» холдинг компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси сингари бозорда монопол мавқени эгаллаб турган кўплаб компаниялар объектларини хусусийлаштириш масалаларига ёндашувларни жиддий равишда қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари ва масъул тузилмалари фаолиятида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш ҳамда аҳолининг бандлигини ошириш мақсадида потенциал инвесторларни жалб этишда сезиларли силжишлар йўқ. Кўплаб йирик корхоналар ва тармоқларнинг молиявий аҳволи жиддий равишда яхшилашни талаб қилади.

Банкларнинг фаолияти хўжалик юритувчи субъектлар, кичик бизнес, фермерлик ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг жиддий эътирозига сабаб бўлмоқда. Банк

(Давоми 2-бетда).

## БАҲОР ТАФТИ СЕЗИЛДИ




**Баҳор мавсумида ўқув муассасаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказилади. Бу йил ҳам анъана давом эттирилмоқда. 15 февралдан март ойи охирига қадар ўқув муассасалари бинолари ва уларнинг атрофларини саранжомлаш чора-тадбирлари белгиланиб, дастлабки ишлар бошланди.**





Бекобод туманидаги Далварзин маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи талабалари муассаса биноси ҳамда ётоқхона, устахона ва ҳовлиларни тартибга келтиришди, янги ниҳоллар экишди. Қиш бўйи тўпланиб қолган чиқиндилар чиқариб ташланди. Ҳашарда 900 дан зиёд талаба иштирок этди.

***СУРАТЛАРДА:*** *коллеж талабалари ҳашар пайтида.*

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

## СЕНАТДАГИ УЧРАШУВ

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Федерал мажлиси Давлат думаси раиси Б.Гризлов раҳбарлигидаги делегация 14 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов ҳамроҳлигида Сенатга ташриф буюрди.**

Сенат раисининг ўринбосари Ф.Муҳиддинова ва қўмиталар раислари билан суҳбат чоғида икки мамлакат парламентларининг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди. Бу борадаги алоқалар ривожини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда мазкур ташриф муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Шу куни Б.Гризлов "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамиятида бўлиб, корхона фаолияти билан танишди.

**ЎзА.**

## КЎРИКДАН ЎТИШДИ

Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида Ўртачирчиқ туман хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда тумандаги 73 та умумтаълим мактаби ва 2 та касб-ҳунар коллежида ўқиётган 6124 нафар қизларни тиббий кўрикдан ўтказди.Турли касалликлар аниқланган қизлар бепул дори-дармонлар билан таъминланди ва шифокорлар назоратига олинди.

**Ибодилла МЎМИНОВ.**

**Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инсон омили биринчи ўринга кўтарилди. Тиббиёт соҳасини ривожлантириш, шифокорлар меҳнатини қадрлаш мақсадида қатор тадбирлар ишлаб чиқилди.**

## МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури», Президентнинг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, шунингдек, 2005 йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ва Халқ депутатлари вилоят кенгашининг ХДП фракцияси ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбати республика Президенти ва ҳукумат қарорлари, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастурининг жойлардаги ижроси каби масалаларга бағишланди. Унда Президент фармонларининг бажарилиши, тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уларни моддий рағбатлантиришни кучайтиришга доир қарорларнинг бажарилиши, тиббиёт тизимидаги ислоҳотлар ижтимоий самарадорлигини ошириш Ўзбекистон ХДП дастурининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири эканлиги ҳақидаги маърузалар қизғин баҳс-мунозаралар асосида ўтди. Соғлиқни сақлаш тизимидаги катта ўзгаришлар, соғлом авлодни шакллантириш борасида кучли ижтимоий сиёсат самаралари алоҳида таъкидланди.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

## «КАМАЛАК» САРҲИСОБИ

**Республика «Камалак» болалар ташкилоти ташкил топганига беш йил тўлди. Бу сана ташкилотнинг вилоят бўлими томонидан ҳам муносиб нишонланди.**

Бўстонлиқ туманида уюштирилган тадбирда бўлимнинг ўтган вақт мобайнида амалга оширган ишлари сарҳисоб қилинди. Ташкилот фаолиятини акс эттирган ўқув-қўлланма тайёрланди, махсус видеофильм яратилди.

Бўлим яқинда уюштириладиган «Камалак – 2006» халқаро слётда қатнашиб, низом доирасида амалга оширилган энг яхши ишларини намойиш этади.

**Акбар АЛИЕВ.**

*Бу ҳақда сессияда гапирилган эди*

## НАСЛЧИЛИК: ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА

**Мамлакатимиз раҳбари халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида вилоятда аграр соҳанинг муҳим тармоғи ҳисобланган чорвачилик, хусусан, унинг негизини ташкил этувчи наслчилик борасидаги ишлар талаб даражасида эмаслигини, кейинги йилларда соҳага эътибор кескин сусайиб кетганлигини танқид қилган эди.**

Эндиликда тармоқда сезиларли ўзгаришлар қилиш, самарадорликни ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, унинг ижросига изчил киришилаётир. Бу ҳақда вилоят наслчилик инспекцияси бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Бахтиёр Солибоев қуйидагиларни гапириб берди.

— Дарҳақиқат, Юртбошимиз билдирган танқидий фикрлар ғоят ўринли бўлиб, тармоққа дахлдор мутасаддиларни чорвачилик тақдирига масъулият билан ёндошишга ундайди. Айни вақтда чорвачиликни ривожлантириш, наслчилик ишларига эътиборни кучайтириш юзасидан белгиланган аниқ режали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Очиғи, вилоятимизда тармоқни шакллантириш ва жадал ривожлантиришда мавжуд имкониятлар, табиий шарт-шароитлардан у қадар самарали, мақсадли фойдаланилмаётган эди. Хусусан, вилоятда наслчилик ишлари билан қорамолчилик йўналишида 40 та, қўйчиликда 4 та, паррандачиликда 2 та, йилқичиликда 2 та, чўчқачиликда 2 та ҳамда ипак қурти бўйича махсус субъектлар шуғулланиб келади. Уларда қорамолларнинг қора-ола, голштинг ва голланд, қўйларнинг қора майин жун, маҳаллий ва ҳисори, паррандаларнинг «Ўзбекистон» кросслари, балиқларнинг оқ амур, оқ дўнгпешона, зоғора ва карп зотлари оммавий урчитилмоқда. Наслчилик хўжаликларида 16901 бош зотли қорамол парвариш қилинаётир. Уларнинг 6000 дан зиёди наслли сигирлардир. Бу хўжаликларда ўтган йили 13796 тонна сут ва 819

(Давоми 3-бетда).

## ОЙЛИК ДОИРАСИДА

**Мамлакатимизда 1 февралдан 1 мартга қадар – «Ўсмирлар ва ёшлар орасида гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги» ўтказилаяпти.**

Шу муносабат билан вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари махсус режа асосида олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, мактаблар ва маҳалла гузарларида учрашувлар ташкил этмоқда. Яқинда шундай учрашувлардан бири Ўртачирчиқ туманидаги касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. Тадбирда гиёҳвандлик кўчасига кириб бораётганларнинг аянчли аҳволлари ҳақида гапирилиб, аввало, таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни ўстириш, сақлаш, етиштиришнинг ўзи қонунга хилоф, яъни жиноят эканлиги тушунтирилди.

**Шерали АНВАРОВ.**

## АДАБИЙ КЕЧА

Янгийўлда шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 523 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча ўтказилди. Шаҳар академик лицейида ўтган бу тадбирда олим ва ёзувчилар мумтоз шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида сўзлаб беришди. Кечада шоир шеърларидан намуналар ўқилиб, театрлаштирилган томошалар намойиш этилди.

**Ўз мухбиримиз.**

**Республика Мудофаа тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада изчиллаштириш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

## РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Унда Мудофаа вазирлиги, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, ёзувчилар уюшмаси раҳбарлари, ҳарбий қисмларнинг бошлиқлари ҳамда офицерлар иштирок этишди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида Қуролли Кучларни ислоҳ қилишни давом эттириш вазифаларига бағишланди.

**Мўмин ИБОДОВ.**

2006 йил учун обуна давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

# 2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида

тизимида пул-кредит сиёсати баланслилигини, шунингдек бозор ва монетар агрегатларни бошқариш механизмини таъминлашнинг замонавий воситаларидан етарли фойдаланилмаяпти.

Уй-жой-коммунал хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишда ҳокимликлар масъулият даражасининг пастлиги сабабли жойларда коммунал хизматларнинг рақобатли бозори суст шакллантирилмоқда. Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг кўпчилиги ҳанузгача уй-жой фондини бошқаришга ва аҳолининг долзарб талабларини ўз вақтида ҳал этишга қодир бўлган уй-жой мулкдорларининг ҳақиқий бирлашмасига айлангани йўқ. Уй-жойларни таъмирлаш ва ободонлаштириш бўйича рақобат муҳити яратадиган коммунал ва таъмирлаш хизматлари бозори ҳанузгача ташкил этилмаган.

Энергия ресурслари, нефть маҳсулотлари ва газни тежашга доир ёндашувларни ва иш амалиётини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

2. Қуйидагилар 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари этиб белгилансин:

бюджет ва солиқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва бирхиллаштириш ҳамда солиқ юкини қисқартириш асосида иқтисодиётни барқарор юқори суръатлар билан ўстиришни, барқарор ва балансланштирилган макроиқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш;

таркибий ислоҳотлар кўламларини ҳамда иқтисодиётни модернизация қилишни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш;

хусусий мулк сектори кўламини кенгайтириш, бизнес учун кафолатларни мустаҳкамлаш ва қулай муҳитни шакллантириш;

аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг муҳим шарти сифатида иш билан бандликни таъминлаш;

экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш ва валюта ресурсларини тежашни, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

уй-жой-коммунал хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти самарадорлигини ошириш, таъмирлаш ва коммунал хизматларнинг реал бозорини шакллантириш;

биринчи навбатда энергияни кўп талаб қиладиган тармоқларда – кимё, рангли металлургия, электр энергетикаси ва бошқа тармоқларда энергия ресурслари қаттиқ тежалишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

3. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўн кун муддатда:

кенгайтирилган мажлисларда иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳаларида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш якунларини танқидий таҳлил қилсинлар;

аниқ тармоқ, ишлаб чиқариш ва ҳудудга татбиқан иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг 2006 йил учун белгиланган устувор йўналишлари амалга оширилишини таъминлайдиган зарур чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар.

Мажлис қарорининг мазкур банди бажарилиши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

4. Марказий банк (Муллажонов), Молия вазирлиги (Азимов), тижорат банклари:

Адлия вазирлиги (Мустафоев), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Саидова), Иқтисодиёт вазирлиги (Розуқулов) билан биргаликда икки ой муддатда «Микромолиялаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар;

2006 йилнинг I чорагида кичик бизнес, фермерлик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун микрокредит бериш ва микролизинг хизматларининг кенг доирасини кўрсатадиган, барча минтақаларда филиаллари бўлган ихтисослаштирилган банк ташкил этиш тўғрисида бир ой муддатда таклиф киритсинлар, унда имтиёзли кредит бериш шартларини ва берилган маблағлар қайтарилишини таъминлаш механизмини назарда тутсинлар;

биринчи навбатда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар олиш учун аҳолига кредит беришни жиддий равишда кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

Бош вазир Ш.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Р.Қодиров) хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли – банклар мижозларининг уларга тижорат банклари томонидан хизмат кўрсатишда, айниқса банкдаги ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ўз вақтида олишда уларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан таъсирчан назорат ўрнатсинлар.

5. Адлия вазирлиги (Мустафоев), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Саидова), Савдо-саноат палатаси икки ой муддатда бизнесни юритиш учун рўйхатдан ўтказиш, лицензиялар ва рухсатномалар олишнинг мавжуд тизимини пухта хатловдан ўтказсинлар ҳамда:

бериладиган лицензиялар ва рухсат берувчи тартиб-қоидалар ҳамда ҳужжатлар рўйхатини кескин қисқартириш;

янги корхоналарни рўйхатга олиш ва бизнесни ташкил этишнинг хабардор қилиб қўйиш тизимига устун даражада ўтиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсинлар.

6. Углеводород хом ашёни разведка қилиш ва қазиб олишнинг тасдиқланган параметрлари бажарилиши Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т.Султонов, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси раиси А.Азизов томонидан суст ташкил этилганлиги ва назорат қилинганлиги қайд этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т.Султонов, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси (А.Азизов) Давлат геология қўмитаси (Аҳмедов), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Шайхов), Молия вазирлиги (Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Розуқулов) билан биргаликда углеводород хом ашё захиралари илдам ўсишини таъминлашга йўналтирилган геология-разведка ишларини жадал ва кўламли ўтказиш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан чора-тадбирлар комплексини амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 2006 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида юқорида кўрсатиб ўтилган раҳбарларнинг ҳисоботи эшитилсин.

7. Иқтисодиёт вазирлиги (Голишев), Молия вазирлиги (Азимов), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Саидова), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Савдо-саноат палатаси билан биргаликда икки ой муддатда: туманлар ва шаҳарлар бўйича саноатни ривожлантиришнинг аҳволини танқидий таҳлил қилсинлар ҳамда минтақа хусусиятларини ва аҳолини иш билан энг юқори даражада таъминлашни ҳисобга олган ҳолда янги ишлаб чиқаришларни, биринчи навбатда мослашувчан кичик ва ўрта корхоналар ташкил этишнинг 2010 йилгача мўлжалланган аниқ дастурларини ишлаб чиқсинлар;

ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштираётган йирик корхоналарнинг филиалларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратсинлар, уларга имтиёзлар ва преференциялар, шу жумладан фойдаланилмаётган биноларни инвестиция мажбуриятлари эвазига текин берсинлар.

8. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Шайхов):

Адлия вазирлиги (Мустафоев) билан биргаликда янги қўшма корхоналар ташкил этишга, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилашга йўналтириладиган хорижий инвестицияларни янада кенг кўламда жалб этиш учун ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш юзасидан бир ой муддатда таклифлар киритсин;

инвестициялар жалб этишнинг янги шаклларини амалиётга жорий қилишни кенгайтирсин, хорижий ишбилармон доираларни ва потенциал шерикларни иқтисодиётнинг айрим секторларидаги инвестиция имкониятлари тўғрисида кенг хабардор қилсин.

9. Давлат мулки қўмитаси раиси (Асқаров)га корхоналарни хусусийлаштириш ва хусусийлаштиришдан кейин қўллаб-қувватлашнинг, қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини ривожлантиришнинг, шунингдек хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришнинг, биринчи навбатда Кузатувчи кенгашлар самарадорлигини амалда оширишнинг муҳим стратегик йўналишларини амалга ошириш юзасидан юкланган вазифалар бажарилишининг паст самарадорлиги кўрсатиб ўтилсин.

Бош вазир ўринбосари В.А.Голишев, Давлат мулки қўмитаси (Асқаров), Молия вазирлиги (Азимов) ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Саидова) икки ой муддатда 2006-2008 йилларда Хусусийлаштиришнинг янги дастурини ишлаб чиқсинлар ва киритсинлар, бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратсинлар:

стратегик аҳамиятга эга бўлмаган табиий монополиялар тармоқлари корхоналарини дастурга киритиш;

инвестор томонидан аниқ инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда инвестиция мажбуриятлари эвазига текин беришга тавсия этилаётган корхоналар ва объектлар рўйхатини анча кенгайтириш;

биржа савдоларида ва биржадан ташқари савдоларда сотиш учун ҳар бир корхона ва объектни сотишдан олдин тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш ва янги самарали тизимни жорий этиш;

хусусийлаштиришдан кейинги мониторингни амалга оширишга тизимли ёндашишни ишлаб чиқиш, янги мулкдорларнинг улар томонидан хусусийлаштирилган корхоналардаги ишларнинг аҳволи, ўз зиммасига қабул қилган инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши учун иқтисодий жавобгарлигини ошириш;

холдинг ва акциядорлик компаниялари устав фондларидаги акцияларнинг давлат пакетлари улушини камайтириш.

10. Молия вазирлиги (Азимов), Давлат мулки қўмитаси (Асқаров), қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази (Юнусматов) икки ой муддатда яқин келажакда рақобатга бардошли фонд бозорини ривожлантиришни, биржа савдоларида акциялар ва объектларни сотишнинг ошкоралигини оширишни назарда тутувчи қимматли қоғозлар бозорини, айниқса иккиламчи бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқсинлар ва кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

11. Иқтисодиёт вазирлиги (Розуқулов), Молия вазирлиги (Азимов), «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси (Абдуазизов), Давлат мулки қўмитаси (Асқаров), Адлия вазирлиги (Мустафоев), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Саидова) бир ой муддатда:

инвесторларга – хусусий мулкдорларга бино ва иншоотларни улар жойлашган ер участкалари билан, уларга қатъий бозор ёндашувлари асосида нарх белгилаган ҳолда, хусусийлаштириш ҳуқуқини бериш ҳисобига хусусийлаштириш объектларини кенгайтириш имконияти тўғрисидаги;

белгиланган нормалар доирасида хусусий уй-жой қурилиши учун ер участкаларини хусусийлаштириш механизми тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

12. Молия вазирлиги (Азимов), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Саидова) Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги (Мустафоев), бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2006 йил 1 апрелгача бўлган муддатда мавжуд аҳволни таҳлил қилсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига:

мулкнинг кадастр баҳоси бўйича, кўчмас мулк биржасида ва ким ошди савдоларида кўчмас мулкни сотишдаги воситачилик тўловлари бўйича, мулкка доир битишувларда давлат божлари ставкалари бўйича, ихтиролар ва фирма номлари учун патентлар олишга харажатлар бўйича кўрсатиладиган хизматларга хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини камайтириш;

тадбиркорлик субъектларига белгиланадиган жарима санкцияларини камайтиришни назарда тутувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар киритсинлар.

13. Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2006 йил 15 апрелгача маъмурий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бошқарув тузилмаларининг бошқариш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш ваколатларини тубдан қисқартириш, уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашишини ва уни регламентлашини янада қисқартириш масалаларини кўриб чиқсин ва улар юзасидан зарур қарорлар қабул қилсин.

14. Адлия вазирлиги (Мустафоев):

Ўзбекистон Республикаси Олий суди (Тошматов), Олий хўжалик суди (Ишметов) билан биргаликда тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган суд тизимини янада мустаҳкамлаш ва суд ислоҳотларини чуқурлаштириш бўйича бир ой муддатда таклифлар киритсин;

жойлардаги адлия органларининг аҳолининг, айниқса қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқий онгини ошириш, амалий ташаббускорликни ривожлантириш, барқарор даромад ва иш билан доимий банд бўлиш манбаи сифатида ўз бизнесини ташкил этиш борасида яратилган ҳуқуқий шарт-шароитларни тушунтириш бўйича ишларини фаоллаштирсин;

республика минтақаларида ҳокимликлар ва давлат бошқаруви органлари ходимлари учун тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқароларга берилган ҳуқуқ ва кафолатлар тизими тўғрисида тизимли асосда семинарлар ўтказсин;

республикада, энг аввало давлат бошқаруви органлари ва назорат қилувчи тузилмалар томонидан қонунлар ижросининг аҳволи тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва Сенатига ҳар йили ахборот тақдим этиш амалиётини жорий этсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритсин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари фермерларга улар етиштирадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, биринчи навбатда чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кооперациянинг турли шаклларини ихтиёрий асосда ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатсинлар, бунда уларни ташкил этишда мансабдор шахслар ноқонуний хатти-ҳаракатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратсинлар.

16. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бир ой муддатда аҳолини иш билан таъминлаш даражасини оширишга, шу жумладан:

янги микрофирмалар ташкил этишга, оилавий бизнес ва кичик, хусусий корхоналарни ривожлантиришга, микрокредитлаш тизимини рағбатлантиришга;

йирик саноат корхоналари билан кооперациялаган ҳолда касаначиликдан фойдаланишни кенгайтиришга;

маҳаллий хом ашёни пухта қайта ишлашга ва тайёр, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган енгил ва озиқ-овқат қайта ишлаш саноатининг кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларини жадал ривожлантиришга;

2010 йилгача бўлган даврда, энг аввало қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга;

шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида моллар, энг аввало қорамоллар бош сонини кўпайтиришни рағбатлантиришга қаратилган дастурларнинг бажарилишини назорат қилишнинг аниқ чора-тадбирларини ва механизмини ишлаб чиқсинлар.

Кўрсатиб ўтилган дастурларнинг бажарилиши Вазирлар Маҳкамасининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳар чоракда ўтказиладиган мажлисларида кўриб чиқилсин.

17. Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталари ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларини иш билан банд бўлмаган аҳоли тоифасини тўлиқ ва холисона белгилаш ва уларни жаҳон амалиётига мувофиқ ҳисобга олиш юзасидан такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрласин.

18. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Шайхов) бир ой муддатда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Саидова), Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ўтказилган амалдаги маъмурий, божхона, банк тартиб-қоидаларининг пухта таҳлили асосида кичик ва хусусий бизнес корхоналари маҳсулотларини экспорт қилиш учун барча тўсиқларни бартараф этиш тўғрисида аниқ таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

19. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев икки ҳафта муддатда барча божхона тартиб-қоидаларини бошқаришнинг ошкоралигини, ички бозорни контрабанда йўли билан келтириладиган маҳсулотлар кириб келишидан ҳимоя қилишни таъминлашни назарда тутадиган, тўғридан-тўғри амал қиладиган норматив ҳужжат сифатида янги таҳрирдаги Божхона кодексини ишлаб чиқиш бўйича, халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, махсус ишчи гуруҳ ташкил қилсин.

20. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича ишлари қониқарсиз деб эътироф этилсин.

Бош вазир ўринбосари Н.М.Ханов, Иқтисодиёт вазирлиги (Шоабдураҳмонов), Молия вазирлиги (Азимов), «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (Холмуҳамедов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда уй-жой мулкдорлари ширкатларини малакали ва ҳалол ишлайдиган мутахассислар билан мустаҳкамлаш, уларга белгиланган тартибда молиявий ёрдам бериш, монополизмни бартараф этиш ҳамда таъмирлаш ва коммунал хизматлар кўрсатишнинг аниқ бозорини шакллантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсинлар ва қабул қилсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳар чоракдаги якуний мажлисларида туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг уй-жой мулкдорлари ширкатларига уй-жой фондидан фойдаланиш масалаларида амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ишларини танқидий баҳолаш ҳисобга олинган ҳолда уларнинг ҳисоботларини эшитиш таъминлансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Мирзиёев), Иқтисодиёт вазирлиги (Тўлаганов) «Ўзбекнефтгаз» (Азизов), «Ўзбекэнерго» (Шоисматов) компаниялари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (Холмуҳамедов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда 2006-2010 йилларда энергия ресурсларидан тежамли фойдаланиш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсинлар ва қабул қилсинлар, унда қуйидагиларни:

нефть, газ, газ конденсати қазиб олиш, уларни ташиш ва қайта ишлашнинг уларнинг исроф бўлишини ҳамда улардан ўз технологик эҳтиёжлари учун фойдаланиш ҳажмларини анча камайтиришни, уларни қайта ишлашнинг пухталиги ва сифатини оширишни таъминлайдиган янги прогрессив технологияларини жорий этишни;

иқтисодиётнинг барча тармоқларида энергияни тежайдиган асбоб-ускуналарни кенг жорий этишни, энергияни тежаш бўйича тармоқ чора-тадбирлари амалга оширилиши мониторингини таъминлашни;

энергия истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш қоидаларини такомиллаштиришни, ҳамма жойда ўлчаш приборлари ўрнатилишини қатъий назорат қилишни, энергия истеъмол қиладиган приборларни энергияни сарфлаш нормативларига мувофиқлиги юзасидан халқаро стандартлар бўйича мажбурий сертификатлашни;

энергия тежалишини иқтисодий рағбатлантириш чора-тадбирларини янада такомиллаштиришни, молиявий-иқтисодий, солиқ омиллари ва механизмлари тизимидан кенг фойдаланишни;

энергиянинг анъанавий бўлмаган муқобил манбаларини кенг қўлланишни назарда тутсинлар.

22. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Танирбергенов), Сирдарё (Жалолов), Сурхондарё (Эшмуродов), Тошкент (Куччиев), Қашқадарё (Зайниев), Фарғона (Нурматов), Хоразм (Бобожонов), Самарқанд (Нурмуродов) вилоятлари ҳокимликлари томонидан коммунал хизмат кўрсатишдаги иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш дастурларини бажариш, коммунал хизматлардан фойдаланадиган истеъмолчиларни шартномалар билан тўлиқ қамраб олиш ишларининг суст мувофиқлаштирилаётганлиги қайд этилсин.

Бош вазир ўринбосари Н.М.Ханов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Молия вазирлиги (Азимов) билан биргаликда ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш ва молиявий оқимларни мақбуллаштириш йўли билан энергетика ресурслари етказиб берувчиларнинг дебиторлик қарзларини тубдан қисқартириш чора-тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар;

совуқ ва иссиқ сув сарфини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш бўйича жадвалларнинг қатъий ва изчил бажарилишини таъминласинлар.

23. Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Р.Қодиров) икки ҳафта муддатда хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг газ ва электр тармоқларига ноқонуний уланишининг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар, уларда уланишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан тизимли назоратни ҳамда қонун бузувчиларга ва таъминловчи ташкилотларнинг масъул шахсларига нисбатан қаттиқ жавобгарлик чораларини қўллашни назарда тутсинлар.

24. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Исмоилов), «Ўзагромашсервис» уюшмаси (Солиҳбоев), «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси (Матчонов) 2006 йил 15 мартгача баҳорги дала ишларини ўтказиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги техникаси, 1 майгача эса – ғалла ўриш-йиғиш комбайнлари ва ем-хашак ўриш-йиғиш техникаси тайёрлаб қўйилишини таъминласинлар.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамроев) экиш мавсуми бошлангунгача коллектор-дренаж ва суғориш тармоқларини тозалаш ва таъмирлашни, насос станциялари ва гидротехника иншоотларини таъмирлашни тугалласин.

Молия вазирлиги кейинчалик қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалигидаги тайёргарлик ишларини амалга оширишга кредит бериш учун Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси маблағларини тижорат банкларига ажратиш муддатларини мақбуллаштириш масаласини кўриб чиқсин.

25. Мазкур мажлис қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2006 йил 10 февраль.

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

# ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

**Республика Хотин-қизлар қўмитасида гендер масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, ҳуқуқшунослар иштирок этди.**

Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Ф. Акбарова Президент Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда гендер тенглиги – меҳнат қилиш, билим олиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш билан боғлиқ соҳаларда эркаклар ва хотин-қизлар учун тенг имкониятлар яратиб берилганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида миллати, тили, диний эътиқодидан қатъи назар, эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги тенг ҳуқуқлилик қонунан мустаҳкамланган.

Тадбирда хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини янада ошириш борасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигини тобора мустаҳкамлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

**ЎзА.**

*Тежамкорлик — нақд бойлик*

# ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

**«Ўзметкомбинат» ишлаб чиқариш акциядорлик бирлашмасида тайёрланаётган маҳсулот ҳажми ва турини кўпайтириш билан бирга фойдаланилаётган ёқилғи-энергетика ресурсларини сезиларли даражада тежашга эришилмоқда.**

Корхона эҳтиёжлари учун йилига 500 миллион квт/соат электр қуввати, 100 миллион куб метрдан зиёд табиий газ, шунингдек, 2,5 минг тоннадан кўп ёқилғи сарф бўлади.

— 2002-2005 йилларда маҳсулот таннархидаги энергетика ашёларининг улуши тежамкорлик ҳисобига 17,2 фоиздан 11,37 фоизга камайди, — дейди бирлашма бош муҳандиси Ғайрат Ҳасанов. — Бу борада мамлакатимиз ҳамда хориждаги илмий-тадқиқот институтлари билан қилинаётган ҳамкорлик қўл келмоқда.

Ўтган йили 111 тонна нефть маҳсулотлари, 1584 минг куб метр табиий газ, 11554 квт/соат электр, 1985 гигакалорий иссиқлик қуввати иқтисод қилинди. Цехлараро электр энергияси сарфини ҳисоблайдиган 180 дона рақамли электр ўлчагич ўрнатилди. Улар ҳам тежамкорликка ёрдам бермоқда.

Комбинатда бунга ҳисса қўшган асосий ва ёрдамчи цехлар жамоаси йилнинг ҳар чораги якунида рағбатлантириб борилляпти. Ўтган йили ана шу мақсадларга бирлашма 173 миллион сўм маблағ ажратди.

Комбинатнинг асосий йўналишидаги диаметри 273 миллиметр бўлган иссиқлик қувурининг ҳарорат сақлагичини қайта тиклаш натижасида кейинги бир йил ичида 66 миллион сўмдан зиёд маблағ тежалишига эришилди.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

# «ЎзДЭУавто»нинг янги автомобили

**«ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида янги русумдаги «Дамас В-150» автомобилини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ушбу машина аввалгисидан кўра хавфсиз ва шинам. Ташқи кўриниши ҳам ўзгача.**



Ўзгаришларда энг асосий эътибор ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсизлигига қаратилган.

Ички ҳамда ташқи бозорда харидоргир бўлган аввалги «Дамас В-100» русумдаги автомобилнинг хавфсизлик борасида камчиликлари бор эди. Энди янги «Дамас» ушбу параметрлар бўйича халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради.

Янги «Дамас»ни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни модернизация қилинди. Пресслаш цехида 4 та пресслаш қолипи ўзгартирилди. Пайвандлаш цехида янги линия ишга туширилди, мавжудлари модификация қилинди. Йиғиш цехида ҳам ўзгартишлар амалга оширилди.

– Мутахассисларимиз монтаж ишларини Корея Республикасидан келган ҳамкасблари билан биргаликда бажарди, – дейди пайвандлаш секцияси менежери Муродилжон Ҳолиқов. – Бир вақтнинг ўзида корхонамиз муҳандис ва мутахассислари Жанубий Кореянинг Чангвон шаҳрида малака оширдилар.

Барча ишлар ниҳоясига етгач, ўтган йилнинг декабри охирида тажриба автомобили ишлаб чиқарилди. Февраль ойида эса 80 та янги русумдаги машина ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Тахминан май ва июнда янги «Дамас» эскисининг ўрнини тўлиқ эгаллайди.

**ЎзА.**

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport

**Юқоричирчиқ туманидаги қурилиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи каратэ бўйича туманлараро вилоят биринчилигига мезбонлик қилди.**

## КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

Мусобақани вилоят каратэ федерацияси, «Ёш куч» каратэ клуби ҳамда коллеж жамоаси ҳамкорликда ташкил этди.

— Ушбу мусобақани ўтказишдан мақсад ёшларни спортга кенгроқ жалб этиш, улар орасидан кучлиларни саралаб олиш эди, — деди вилоят каратэ федерацияси президенти Билолиддин Зайниддинов.

1988-1998 йилларда туғилган ёш спортчилар ўртасидаги беллашувларда Зокир Ҳайитметов, Достон Омонжонов, Муҳаммадюсуф Амирбеков, Азим Ҳайдаралиев ҳамда Иброҳим Хожиметов олтин медаль соҳиблари бўлишди.

**Хуршида МЎМИНОВА.**



***СУРАТДА:*** *мусобақа жараёнидан лавҳа.*

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

## ЧАНҒИЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

**Вилоятимиз ҳудудидаги Чимён тоғларида тоғ чанғиси бўйича ташкил этилган Ўзбекистон кубоги мусобақасида қирқ нафардан ортиқ спортчи куч синашди.**

Тоғ чанғисининг слалом йўналиши бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтказилган беллашувларда пойтахтлик спортчилар ўзларини кўрсатдилар. Энг яхши натижани қайд этган Ксения Григорьева Гулиза Гаюпова ҳамда Мадина Расуловани ортда қолдириб, биринчи поғонани эгаллади.

Гигант слалом беллашувларида ҳам совринли ўринларни Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган спортчилар – Эльвира Халиулина, Ксения Григорьева ҳамда Мадина Расулова банд этди. Кубок беллашувларида муваффақиятли иштирок этган Ноил Шириазданов эркаклар ўртасидаги гигант слалом баҳсларида олтин медалга сазовор бўлди.

**ЎзА.**

## БИР ДИЛБАР АЁЛ

*(Шоирага)*

*Ўлтирибди бир дилбар аёл*
*Кечмишларнинг йўлига боқиб.*
*— Қайлардасан, фараҳбахш хаёл,*
*Майли, кетсам мавжингда оқиб.*

*Ўлтирибди бир дилбар аёл,*
*Вужудида ўй сурар даврон.*
*Ёлғизликнинг эрмаги хаёл,*
*Сурурларга ундовчи армон.*

*— О, саодат соҳили фараҳ,*
*Маҳзун дилга таскин берсанг-чи.*
*Ёлғон ваъда, сохталик бисёр,*
*Рост туйғулар нақадар тақчил.*

## Илк қадам

*Бу дунёда орзулар шоҳи,*
*Ҳақиқий бир жувонмард бордир.*
*Ул ҳам истар ойдин саодат,*
*Унга ҳам рост туйғулар ёрдир...*

*Сойлар оқар зилолу тиниқ,*
*Умр каби, туйғулар каби.*
*Бир дилбарки — ҳислари синиқ,*
*Ширин сўзга ташнадир қалби.*

**Лазизжон ЮСУПОВ.**

## Китобингизни ўқидим



# ЭЗГУЛИККА ТАШНА КЎНГИЛ

Ҳар сафар пскентлик ёзувчи Собиржон Иномовнинг ҳикояларини ўқиганимда кўнглимдан шундай фикрлар кечади:

— Инсон орзу ҳавасларини, хоҳиш ва истакларини рўёбга чиқариш учун ўзига ва эртанги кунларига ишониб яшайди. Акс ҳолда руҳий тушкунликка тушиб, ҳаёт сўқмоқларида ўз ўрнини топа олмаслиги мумкин. Ақл ва тафаккур эгаси бўлмиш инсоннинг асосий мақсади ҳаёт ҳақиқатини англаш ана шу ҳақиқат томон интилишдир. Бу фикрлар аслида сўз машаққатини, сўз қудратини авайлаб, ардоқлаб ўз ўқувчиси қалбига етказаётган ижод аҳлига ҳам тааллуқлидир.

Собиржон Иномов. «Кўмсаш». Ҳикоялар. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент — 2005. Муҳаррир Ш. Нишонов.

«Кўмсаш». Собиржон Иномовнинг илк ҳикоялар тўпламидир. У Пскент шаҳрининг фарзанди, касби журналист. 1976 йилдан буён «Пскент ҳаёти» газетасида хизмат қилади. Назаримда унинг яхши фазилатларидан бири — юрагида одамларга қўлидан келганича яхшилик қилиш иштиёқи устувор.

Ҳарқалай, Собиржоннинг ҳикояларини ўқиганда кўз ўнгимизда содда, дўлвор, танти, меҳнаткаш ва мард қишлоқ кишиларининг сурати-сийрати намоён бўлади ва сизни ҳам шу эзгуликка чорлаётгандек бўлади. Ҳикояларни ўзаро бирлаштириб турадиган хусусият ҳам улардаги қаҳрамонлар меҳр, соғинч, юпанч адолат барқарорлиги учун кураш йўлида қурбон бўлишга тайёр кишилар эканлигидадир.

Мисол учун «Кўмсаш» ҳикоясини олиб кўрайлик. Ёзувчи бу ҳикояда гапни айлантириб, бўяб-бежаб ўтирмайди. Сафар жўраси вафот этди-ю, Самар отага қийин бўлди «Бир ҳафтадаёқ кўзидан нур кетиб, дармонсизланди». У жўрасининг одатини яхши биларди: ҳар куни саҳар мардонда ўғилларини уйғотиб, ишга жўнатарди. Энди болаларнинг холи нима кечади? Улар нима қилишаётганийкин?

Самар отани шу фикр қийнайди. У бир куни азонда ҳассасини дўқиллатиб, собиқ жўрасиникига борди-ю, Сафар отанинг ўғилларини уйғотди — кўнгли тинчигандек бўлди. Шу куни ўғилларга ҳам худди оталари тирилиб келгандек бўлди. Бор гап шу...

Биз Собиржон ҳикояларининг мазмунини сўзлаб беришдан йироқмиз. Албатта, бадиий асарда ҳар доим сўзни исроф қилмай, ўз ўрнида ишлатиш ақидаси муҳимдир. Вақт оқими ҳаётнинг абадий янгиланиб туриши ёш ёзувчи ҳикояларининг услубида ҳам ўзига хос тарзда кўзга ташланади. С. Иномов ана шунга интилаётган, адабиётимизда ўз овозини, ўз услубини излаётган ёш ижодкор. «Кўмсаш» тўпламини қўлга олиб, бир варақлаб кўринг-а, қалбингизда, руҳингизда эзгуликка, яхшиликка интилиш майли пайдо бўлганини сезасиз.

**Шавкат ТУРОБ.**

АСР ДАРДИ

# БОЙКАСАЛ



## ИККИНЧИ МАҚОЛА: ЖУМЛАИ ЖАҲОН ТАШВИШИ

Давлат ва жамоат арбоблари, жаҳон ҳамжамияти намоёндалари тинчлик, тараққиёт ва халқаро хавфсизлик масалаларини муҳокама қилиш учун кўпинча мустақил мамлакатимиз пойтахти Тошкентга тўпланишлари, биз учун ифтихорли анъанага айланди. Бу ҳолат мустақил Ўзбекистон, унинг глобал жараёнлардаги ўрнини, муҳим халқаро муаммоларни, чунончи, наркотик моддалар ноқонуний тарқатилишининг олдини олиш, бу борада пухта халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш, ахборот алмашинуви ва махсус операцияларни самарали мувофиқлаштиришни йўлга қўйиш масалаларини ҳал этишга қўшаётган муносиб ва салмоқли ҳиссасини эътироф этиш ҳамдир.

Шу ойнинг бошларида ҳам Тошкентда муҳим халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси вакиллари иштирок этишди. Бу нуфузли анжуман иштирокчилари гиёҳвандлик ва у келтириб чиқараётган муаммоларни бартараф этиш – бугун жаҳон малакатларидан ҳамжиҳатликдаги қатъий ҳаракатларни талаб қилаётганлигини бир овоздан таъкидлашди.

Иккинчи жаҳон уруши тугаган дастлабки ойлардаёқ сиёсатдонлар, дунё мамлакатлари раҳбарлари гиёҳвандлик, у билан боғлиқ муаммолар куни кеча нуқта қўйилган халқаро муҳорабадан, ҳатто, гўёки Японияни тиз чўктириш учун АҚШ учувчилари Кунчиқар мамлакатининг осмонида портлатган икки атом бомбаси одамлар бошига ёғдирган офатлардан ҳам хавфли кўланка ташлаб турганини илғай олишди. Ўша 1946 йилиёқ янгигина иш бошлаган БМТда Гиёҳванд моддалар бўйича комиссия ташкил этилди.

Бироқ, жаҳон халқлари бошига соя ташлаб турган, энг муборак мавжудот — инсон уруғининг ўзини айнитиб юбориши аниқлиги бугун баралла сезилиб турган наркомания ва гиёҳвандликнинг хуружи ҳам сусаймаётир. Бугун шу нарса аниқки, унинг кенг тарқалиб боришидан ниҳоятда пухталик билан иш кўрувчи уюшган жиноятчи гуруҳлар, трансмиллий синдикатлар ниҳоятда манфаатдор. Буни ҳисобга олиб, 1998 йили БМТ Бош Ассамблеясининг махсус сессияси чақирилди, гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ халқаро муаммолар алоҳида муҳокама қилинди. Бош котиб Кофи Аннан шу сессия минбаридан туриб, бехуш қилувчи моддалар билан жиноят содир этишга тўхтовсиз кучайиб бораётган рағбат оқибатларидан ташвишланиб гапирди. «Бугун дунёда кокаин ва героин қабул қилувчи 21 миллион, бехуш қилувчи бошқа омиллар — амфитаминлар қабул қилувчи 30 миллион одам бор, — деди Бош котиб. — Агар бунга қарши курашмас эканмиз, биз гиёҳвандларнинг, шунингдек, уларнинг ота-оналари ва қариндош-уруғларининг азоб-уқубатларини енгиллаштиришга муваффақ бўла олмаймиз». «Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни ноқонуний ишлаб чиқариш, айлантириш, истеъмол қилишни назорат этиш соҳасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида»ги меморандумга қўшилган давлатлардаги наркотик моддаларни назорат қилиш тузилмаларининг яқинда Тошкентда ўтган VII учрашувида бу жараённинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Гиёҳвандлик моддалари тайёрланадиган ва энг кўп тарқалган ўсимлик — наша деярли барча мамлакатларда ўстирилади. Ундан тайёрланган гиёҳванд моддаларни ҳозирги кунда курраи заминимизнинг 150 миллионга яқин аҳолиси истеъмол қилаётир. Бошқача қилиб айтганда, бугун Ер юзида яшовчи ҳар 10 минг одамдан 24 киши сурункали нашаванд. Ташвишланарлиси — шу кунларда баъзи мамлакатлардаги ҳар юз мактаб ўқувчисидан 37 бола нашанинг «таъми»ни ҳеч бўлмаганда бир марта татиб кўрган. Шу 100 ўқувчи орасидан 10-15 бола эса сўнгги ойда бир марта наша чеккан.

Нашадан кейинги ўринни кокаин эгаллайди. Уни тайёрлаш учун ҳам Жанубий, ҳам Шимолий Америка мамлакатларида энг кўп ўстирилувчи кока ўсимлигидан фойдаланишади. Кейинги йилларда героин қабул қилишнинг камайиши кузатиляпти. лекин шунга қарамай, АҚШ ва Лотин Америкаси мамлакатларида кокаин истеъмолчилари ҳамон кўплигича қолмоқда. Бугун жаҳонда 13 миллиондан кўпроқ одам бу дардга сурункали мубтало бўлган.

Қорадори — гиёҳвандлик моддаларининг учинчи тури. Бу оғуни кўкноридан тайёрлашади. Маълумки, кўкнори ўсимлиги асосан Марказий Осиё минтақасида, қисман Европанинг баъзи мамлакатларида етиштирилади. Европа, Жануби-Шарқий ва Жануби-Ғарбий Осиё мамлакатларида 8 миллионга яқин киши қорадори истеъмол қилишга муккасидан кетган.

Ҳозиргина айтганимиздек, гиёҳванд моддаларни тайёрлаш воситалари — кока, наша ёки кўкнори етиштириш, уларни қайта ишлаш ва истеъмолчиларга узлуксиз етказиб бериш жараёнлари ҳийла мураккаб ва хавфли.

Аввало, бу ўсимликлар ўстирилаётган майдонларни назорат қилиш, аниқлаш ва йўқотиш мумкин. Жаҳон ҳамжамияти кўкнори, кока ва наша плантацияларини аниқлашда космик йўлдошлардан, самолётлар ва бошқа учиш воситаларидан тобора самарали фойдаланаётир. Улар орқали олинган суратлар, айтайлик, кўкноризорларни аниқ белгилаб, уларни йўқотиш самарадорлиги ошади.

Қорадори — опиум тайёрлаш 1999 йили илк бор рекорд даражага етган эди. Ўшанда 219 минг гектар майдонда кўкнори етиштирилган, 5794 метрик тонна қорадори ишлаб чиқарилганди. Кўкнори майдонларининг 75 фоизи Афғонистон далаларини эгаллаганди.

Ўша йили Ер юзида кока бутазорлари 183 минг гектарга етказилди. Бу майдонларнинг 60 фоизи Колумбия «ҳиссаси»га тўғри келди. Ўшанда жаҳон бўйича 317 минг 926 тонна кока ўсимлигининг барги териб олинганди.

Бу ишлар ўз-ўзидан бўлмайди. Кўкноризорлар, наша ва кока плантацияларида неча ўн минглаб инсонлар — XXI аср қуллари қаттиқ назорат остида меҳнат қилишини ҳам унутиб бўлмайди. «Ҳосил»ни йиғиб олиб, оғу тайёрловчи ва қадоқловчи пинҳона корхоналардаги оғир меҳнатни-ку, қўяверасиз. Уни белгили манзилларга яширикча етказиб бериш-чи? Тоғ чўққилари, қум саҳролари, чакалакзорлар ва тўқайлар оралаб ўтган кўз илғамас сўқмоқларда оғу орқалаган одамлар карвонларини бир тасаввур қилинг-а!

Героин, кокаин ва бошқа табиий гиёҳванд моддаларни етиштириш, ташиш ва тарқатиш қаттиқ назорат қилиниши турли синтетик оғуларга ружу қўйишни кенгайтираяпти. Ғарбий Европа мамлакатларида бу ҳолат, айниқса, юқори бўлиб доимий одатга айланган. Кейинги йилларда бу касаллик бошқа мамлакатларда ҳам тобора кенг тарқалиб бораётир. Шуни айтиш кифояки, бугунги кунда жаҳон аҳолисининг деярли 3 фоизи ясама, сунъий оғулар домига илинган. Яна бир ташвишли жиҳат токсикоманиянинг кенгайиб бораётганлигидир. Бугунги кунда ҳар 100 кишидан 8 нафари бу дардга мубтало бўлган.

Тошкентда ўтган сўнгги халқаро учрашувда таъкидландики, наркотиклар билан боғлиқ вазият бугунги кунда ҳам Марказий Осиёда мураккаблигича қолмоқда. Чунончи, Афғонистонда ўтган йили кўкноризорлар бирмунча қисқаришига эришилганига қарамай, 500 тонна героин ишлаб чиқаришга етадиган хом ашё етиштирилди. Бинобарин, жанубдаги ён қўшнимиз ҳамон гиёҳванд моддалар етиштирувчи йирик марказ бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат жаҳон ҳамжамиятида, айниқса, қўшни мамлакатларда алоҳида ташвиш туғдираётир.

**Жўрабек МУРОДОВ.**



***«Наврўз яқин. Варрак ясаймиз...»***

**Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.**

## Детектив мухлислари учун

Озғиндан келган, унчалик бўйдор ҳам бўлмаган, лекин энг сўнгги русумда кийинган мистер Мейхерн суд ишларида ўзига хос ҳурматга сазовор инсонлардан бири. У тажрибали ва билимдон адвокат сифатида танилган. Боқишлари тийрак, ҳамма воқеадан хабардордек ўзини тутиши суҳбатдошида шубҳасиз унга бўлган ишончни мустаҳкамлайди. У мижозлар билан кўпинча қуруқ гаплашар, лекин овозида ҳеч қачон хайрхоҳлик сезилмасди.

Мейхернинг бу галги ҳимоясидаги инсон қасддан одам ўлдиришда айбланарди.

– Сизга қўйилаётган айблар жуда жиддий ва фақат ҳамма гапни очиқ-равшан айтиб беришингиз гуноҳингизни енгиллаштиради. Буни сизга эслатиб қўйиш менинг бурчим.

Бу гапга қулоқ солиб ўтирган ўттиз уч ёшлардаги Леонард Воул жиноятга алоқаси йўқдай ҳорғин ўтирарди. Бироздан сўнг у мистер Мейхернга секин қараш қилиб:

– Биламан,– деди дўриллаган овоз билан. – Сиз мени бу ҳақда огоҳлантирдингиз. Лекин мени қотилликда айбдор деб топишларига ишонмайман. Бунинг устига қасддан деб...

Мистер Мейхерн кўпроқ далилларга ишонар, бу масалада ҳис-ҳаяжонга берилишни мутлақо ортиқча деб биларди. У кўзойнагини олиб, дастлаб чап ойнагини, сўнг эса ўнг томонини дастрўмолча билан артди.

– Мистер Воул, бу айбловдан қуруқ чиқиш учун бироз тер тўкишга тўғри келади. Ҳаммаси яхши бўлади. Лекин мен сизга қўйилаётган айбларни қанчалик чуқур билсам, шунчалик ҳимоям кучли бўлади.

Бир қараганда ўлим билан алоқадор бу ишда ҳаммаси равшан эди, судланувчининг айби юз фоиз тасдиқланган, ҳеч кимда бунга шубҳа йўқ эди. Фақат мистер Мейхерн иккиланарди. Бу табиий.

– Сиз мени айбдор деб ўйлаяпсизми? – давом этди Леонард Воул. – Худо ҳаққи, бундай эмас. Тўғри, ҳамма далиллар менга қарши, бу тўрдан чиқиб кетиш йўлини кўрмаяпман. Лекин уни мен





# АЙБДОР ГУВОҲ

ўлдирмаганман, эшитяпсизми, мен ўл-дир-ма-ган-ман!

Ҳар қандай одам ҳам бундай вазиятда ўз айбини бўйнига олмасди. Мистер Мейхернга бу ҳолат яхши таниш, лекин у охиригача ишонмасди. Балки ростдан ҳам мистер Воул уни ўлдирмагандир.

– Ҳа, мистер Воул, ҳамма айбловлар сизга қарши қаратилган, мен сизга ишонаман. Яхшиси далилларга қайтайлик. Сиз мисс Эмили Френч билан қандай танишганлигингизни айтиб берсангиз.

– Бу Оксфорд-стрит шаҳрида бўлган эди. Кўчанинг у юзидан бу юзига ўтаётган бир қари аёл ўртага келганда қўлидаги буюмлари билан йиқилиб тушди. Нарсаларини ташлаб ўзи бекатга қочди, бўлмаса автобус тагида қоларди. Мен унинг буюмларини териб, чангларини қоқиб, ўзини йўқотиб қўйган аёлнинг қўлига тутқаздим.

– Сиз унинг ҳаётини сақлаб қолганингиз ҳақида гап бўлмадими?

– Э, нима деяпсиз, албатта йўқ! Оддий ҳол. Тўғри, аёл менга миннатдорчилик билдириб, ҳаракатларимни маъқуллади ва ҳозирги ёшлар орасида бундай одатлар деярли йўқ эканлигини ҳам айтди, шекилли. Мен уйга кетдим, аёл ўз йўлига. Хаёлимнинг бир чеккасига ҳам келмаганди, бирор жойда бу аёл билан яна қайта учрашиб қоламан деб. Ҳаёт эса бизни кутилмаган мўъжизаларга рўбарў қилаверади. Шу куни яқин бир танишимникидаги зиёфатда ўша аёлни учратиб қолсам, денг. У мени дарров эслаб, атрофдагиларга ўзини таништиришларини сўради. Билдимки, бу аёлнинг исми Эмили Френч бўлиб, Криклвудда яшаркан. Озгина суҳбатлашдик. Мисс ўзгалар билан тез тил топиша оладиган ва дарров ёқиб қоладиганлар хилидан экан. У мени уйига таклиф этди. Менинг бу таклифни рад этишим сал ўнғайсизроқ бўлади, деган ўйда унга шанба куни боришимни айтдим. Мисс Эмили Френч кетди. У кетгач, танишларим бу аёлнинг ўзига тўқ эканлигини, катта уйда битта хизматкор ва 8 та мушуги билан яшашини айтишди.

– Унинг бой-бадавлат яшаши сизга ҳақиқатдан ҳам у кетгандан кейин маълум бўлдими? – деб сўради мистер Мейхерн.

– Агар сиз буни атайлаб сўраган деб ўйласангиз... – жаҳли чиқди Воулнинг.

Мейхерн унинг гапини бўлди:

– Мен ҳеч нарсани ўйлаганим йўқ, фақат сизни сўроқ қилишганда шундай саволлар туғилишини назарда тутаяпман. Мисс Френч жуда оддий яшаган, бирон одам уни бойвачча деб айтмаган. Эслайсизми, танишларингиздан қайси бири унинг пули кўп деб айтган?

– Танишим Жорж Гарви.

– У буни тасдиқлайдими?

– Билмадим. Орадан анча вақт ўтди.

– Кўрдингизми, мистер Воул. Биринчи айб сизга пулга эҳтиёжи бор эди, деб қўйилади, сўнг бу бойликни қўлга киритиш учун у билан танишишга интилгансиз дейишади.

– Лекин бундай эмас-ку...

– Сизнинг ўша танишингизнинг хотирасига кўп нарса боғлиқ. Ўша суҳбатни у унутмадимикан?

Леонард Воул анча пайт жим турди-да, кейин бошини қимирлатганича секин ва аниқ деди:

– Йўқ, мистер Мейхерн. Унинг бу гапини нафақат мен, балки атрофдагилар ҳам эшитишган. Ҳатто, бирови мени бу бойвачча аёлнинг кўнглини забт этишга уринаётир деб баҳолаганди.

– Афсус, афсус, – деди адвокат кайфияти бузилиб.– Майли, менга очиқ гапиришингиз ёқаяпти, мистер Воул. Хўп, сиз мисс Френч билан танишиб олдингиз дейлик. Бу танишув бир марталик меҳмондорчилик билан тугамагандир. Сиз Криклвудга тез-тез бориб тургансиз. Нима учун? Нега энди сиздек ёш, кўркам, спортчи йигит шунча дўстлари бўла туриб шу қари аёлга кўпроқ эътиборни қаратгансиз? Ахир ўртада нима қизиқиш бўлиши мумкин?

Леонард Воул узоқ пайт керакли сўзларни тополмай қийналди.

– Тўғрисини айтсам, ўзим ҳам билмайман. Унинг уйига биринчи марта борганимда мисс Френч ёлғизликдан нолиди ва мендан тез-тез келиб, ўзидан хабар олиб туришимни сўради. Унга ноилож, яна келишга ваъда бердим. Бундан ташқари кимгадир фойдам тегаётганини билиш ёқимли эди, у менга ўз ўғлидек муносабатда бўларди.

**(Давоми бор).**

## Шундан кейин

### КАШАНДАЛИККА ҚАРШИ

**Жаҳонда сигарет ишлаб чиқарувчи энг йирик давлатлардан ҳисобланган Хитой ҳукумати мамлакатда чекувчилар сони ортиб бораётганидан ташвишда.**

Ҳозир аҳолининг чорагидан кўпи – 320 миллион нафар хитойлик кашанда эканлиги аниқланди ва бу зарарли одатга қарши самарали кураш усуллари ҳақида бош қотирилмоқда.

### ТЕРМИНАТОР ҚЎЛИ

**Америкалик олимлар ҳақиқий инсон қўли ҳаракатларини мукаммал бажара оладиган механик қўл протези устида иш олиб боришаяпти.**

Ушбу тажрибага Пентагоннинг илғор мудофаа тадқиқот лойиҳалари агентлиги буюртма берганлиги таъкидланаётир.

Акмал Икромов туманидаги «ISTIROHAT XOSIYAT-MUM» хусусий фирмаси (ОКПО 17514080)

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Муаллим кўчаси, 40-уйда қабул қилинади.

Юнусобод туманидаги «VEST-AMIR» масъулияти чекланган жамиятига 2005 йилда Давлат кадастр бошқармаси томонидан берилган 7-336 рақамли бино кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-440. Адади 9473. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.40. 2 3 4 5 6